Ушбу сонда:
2 ЖАНГЧИ ҲОКИ ОНА ЮРТИГА ҚАЙТДИ
3 Газетхон илтимосига кўра ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ИМТИЁЗЛАРИ
4 Сиз кутган учрашув ЮРТ БАХТИНИ КУЙЛАЙМАН

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2000 йил 13 май, шанба №68 (900)
СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



# ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ — МАНГУ БАРҲАЁТ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ» ЁДГОРЛИК МАЖМУИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Ҳурматли оқсоқоллар!

Авваламбор, мана шу гўзал майдонда тўпланиб турган, узоқ-яқиндан келган, бугунги эзгу ишга дахлдор бўлган сиз азизларга, сизлар орқали бутун халқимизга чин қалбимдан ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман.

Ҳурматли жамоат!

Шаҳид кетган аждодларимиз хотирасига бағишланган, ғоят қисқа муддатда қад ростлаган бу ёдгорлик мажмуини айнан шу жойда - кўп-кўп тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган қадимий Бўзсув соҳилида барпо этганимиз бежиз эмас, албатта.



Одамларнинг юрагида мудҳиш из қолдирган қатағон йилларида бу кўримсиз жарлик - Алвасти кўприк деб совуқ ном олган, инсон қалбига қўрқув соладиган бу қаровсиз жойда халқимизнинг минглаб асл фарзандлари отилган, бекафан, бежаноза, ном-нишонсиз кўмиб ташланган.

Миллатимиз фахру ифтихори бўлган Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон сингари юзлаб улуғ зотларнинг ҳам шу ерда қатл этилганини яқингача кўпчилик билмас эди.

Зулм ва зўравонликка қурилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллат қадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга, халқни бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган барча ақл-заковат соҳибларининг жасадлари мана шу тепалик ва жарликларда ном-нишонсиз қолиб кетган.

Мана шулар қаторида сиёсатдан мутлақо узоқ бўлган, минг-минглаб оддий деҳқонлар, ҳунарманд-косиблар, ишчи-хизматчиларнинг бегуноҳ қурбон бўлиб кетгани тасаввурга ҳам сиғмайдиган аянчли бир ҳолдир.

Ана шу азиз аждодларимизнинг арвоҳлари шунча йиллар давомида ҳаловат ва ором топмасдан мана шундай кунларни кутар эди.

Биз уларнинг ушалмаган орзу-армонлари олдида, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, ўша айрилиқнинг дарду ғами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари, яқинлари, зурёдлари олдида, Яратганимиз олдида бугун ўз инсоний бурчимизни адо этмоқдамиз.

Азиз юртдошлар!

Жафокаш халқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб курбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди.

Айниқса, машъум 1937-1953 йилларда содир этилган бедодликни тасаввур этиш учун Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш кифоя.

Инсоний қадр-қиммати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида юртимизда истиқомат қилган деярли барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор эди.

Шу даврда қанча-қанча одамларнинг ўз оиласидан жудо бўлгани, аёллар бевaликка, гўдаклар етимликка маҳкум этилганини инобатга олсак, халқимиз бошига тушган бу фожианинг микёси янада яққол намоён бўлади.

Барчамизнинг тақдиримизга дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ҳали-ҳануз сир бўлиб келаётган ёпиқ саҳифаларни тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантиришда мана шу ёдгорлик ва амалга ошираётган эзгу ишларимизнинг алоҳида ўрин тутиши шубҳасиз.

Аслида биз қўлга киритган мустақилликнинг моҳияти ҳам ўзлигимизни англаб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, миллатимизнинг қадр-қимматини, унинг шаъни ва ғурурини тиклаб, асрий адолатни қарор топтириш ва халқимизнинг обрў-эътиборини янада юксалтириш демакдир.

Бугун ана шу олижаноб мақсад йўлида яна бир қутлуғ қадам қўйилди.

Биз бугун шу табаррук зиёратгоҳда туриб, озод ва эркин Ватан учун жон берган шаҳидлар руҳи олдида бош эгиб, уларга ўз ҳурмат-эҳтиромимизни бажо этамиз.

Бу зиёратгоҳни биз қатағон қурбони бўлган, жисми олис-олисларда қолиб кетган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Усмон Носир, Убайдулла Хўжаев, Саид Аҳрорий, Боту, Исҳоқхон Ибрат, Элбек сингари юзлаб юртдошларимизнинг ҳам рамзий мозори сифатида қабул қилмоғимиз керак, деб ўйлайман.

Мана шу жойдаги минглаб инсонларнинг шу кунгача чирқираб ётган руҳи поклари бугун барчамиздан, эзгу ишларимиздан рози бўлиб, шояд ором топган бўлса, ажаб эмас.

Қатағон йилларида қурбон бўлган ота-боболаримиз хотираси олдида ўз инсоний бурчимизни бажо келтириб, шу муборак жума тонгида қилган барча дуои фотиҳаларимиз илоё ижобат бўлсин.

Бугунги маросимда узоқ-яқиндан келган ҳамюртларимиз ва меҳмонларимиз орасида Ватанимиз озодлиги, беғубор ҳаётимиз, авлодлар бахт-саодати йўлида қурбон бўлган инсонларнинг қариндош-уруғлари, ёру биродарлари иштирок этаётгани тарихимизда адолатнинг яна бир саҳифаси тикланаётганидан далолатдир.

Биз буни ўша қатағон йилларида эзилган, қадр топмаган қанча-қанча одамлар орзиқиб кутган қутлуғ кунларнинг тантанаси, деб қабул қилмоғимиз даркор.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Шу қурилиш давомида ўтганлар руҳини ёд этиб, минглаб юртдошларимиз, муҳтарам нуронийларимиз, зиёлиларимиз, адабиёт ва санъат аҳли, турли касб эгалари ҳашарлар уюштириб, беғараз меҳнат қилгани - алоҳида эътибор ва таҳсинга сазовор.

Мана шундай бебаҳо ва буюк инсоний фазилатларга эга бўлган, барча хайрли ишларга доимо тайёр, қалбида меҳр-оқибат туйғуси ҳеч қачон сўнмайдиган, озодлик йўлида жон берган фарзандларининг табаррук номларини ўз хотирасида ҳамиша сақлаб келадиган, бағрикенг, виждони уйғоқ халқимиз асло кам бўлмайди, иншоолло.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугунги унутилмас, савобли ва тарихий бир воқеанинг асосий иштирокчилари бўлмиш мана шу ёдгорлик мажмуини бунёд этган моҳир қурувчилар ва қўли гул усталарга, меъмор-муҳандисларга чин қалбимдан ташаккур билдираман.

Гўзал боғ-роғлар яратиб, бу жойни обод қилишда қатнашган қадимий Юнусобод аҳлига, барча ҳамшаҳарларимизга таъзим қиламан.

Шу улуғ ва беғараз ишларга ҳисса қўшган кўллрингиз дард кўрмасин, бошингиз омон бўлсин!

Азиз ватандошларим, муҳтарам юртдошларим!

Шу лаҳзаларда ҳаммамизнинг кўнглимиздан кечаётган бир туйғуни ифода қилиб айтмоқчиман: шаҳидларнинг руҳи шод, охиратлари обод бўлсин.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, озодлик ва истиқлолимиз абадий бўлсин!

*Ўтган йили Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ва «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини барпо этишга қарор қилинган эди. Шу қисқа вақтда бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, миллий мустақиллик, Ватан равнақи, юрт озодлиги учун жонини фидо айлаган эл ўғлонларининг қутлуғ хотирасига пойтахтда муаззам хиёбон бунёд этилди.*

12 май, муборак жума тонгида уфқдан бош кўтарган қуёш пойтахтимиз марказидан оқиб ўтувчи Бўзсув соҳилида ажиб бир манзаранинг гувоҳи бўлди. Бир вақтлар киши ёлғиз юришга юраги бетламайдиган хилват гўшани бугун таниб бўлмайди. Буралиб оқаётган Бўзсувнинг икки соҳили кенг ва ям-яшил сайҳонлик. Бунда яшил либос кийган дарахтлар, шаршара бўлиб қуйилаётган фавворалар, саккиз устун кўтариб турган нилий гумбаз, текис ва бежирим йўлкалар киши кўнглида ҳам фараҳ, ҳам ҳазин бир кайфият уйғотади.

Ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари ташриф буюрган.

Ўн етти гектарлик кенг хиёбон узра шаҳидлар хотирасига бағишлаб ўқилган қуръон оятлари янграйди. Сўнг анъанага мувофиқ, йиғилганларга наҳорги ош тортилди.



Ёдгорлик пойида ўтказилган хотирлаш маросимида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Шаҳид кетган аждодларимиз хотирасига бағишланган, ғоят қисқа муддатда қад ростлаган бу ёдгорлик мажмуини айнан шу жойда - кўплаб тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган қадимий Бўзсув соҳилида барпо этганимиз бежиз эмас, деди Юртбошимиз. Зулм ва зўравонликка қурилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллат қадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга ва бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган кўплаб ақл-заковат соҳибларининг жасадлари мана шу тепалик ва жарликларда ном-нишонсиз қолиб кетган.

Биз уларнинг ушалмаган орзу-армонлари олдида, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, ўша айрилиқнинг дарду ғами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари, яқинлари, зурёдлари олдида, Яратганимиз олдида бугун ўз инсоний бурчимизни адо этмоқдамиз.

«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси Наим Каримовга сўз берилди. Бундан тўққиз йил илгари, ватанимиз истиқлолидан аввал, шаҳидлар хотирасини шунчалик эъзозлаш мумкинлигини ҳатто тасаввур қилиб бўлмас эди, деди у. Лекин Ватан мустақиллиги учун курашганлар эрк ва озодлик фидойиларининг умиди ўлмаслигини кўрсатди. Қатағонга учраганлардан бири қўлида кишан билан сўнгги йўлга кетаётиб, ҳомиладор хотинига қарата, қиз кўрсанг, исмини Умида, ўғил туғилса, Нажот қўйгин деган экан. Бугунги маросим аслида ўша умид қилинган НАЖОТнинг етиб келганини исботлаб турибди.

Қатағон балоси фақат зиёлиларнигина ўз комига тортмаган, истибдоднинг оловида ҳўлу қуруқ баравар ёнган. Ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, ўттизинчи йилларнинг ўрталарида бир туман микёсидаги раҳбар қамалгач, унинг «думи» сифатида яна эллик саккиз киши бадарға этилган экан. 130 йиллик мустамлака даврида эса Ватаннинг қанчалаб асл ўғлонлари эрк орзусига етолмай тупроққа бош қўйганини бугун аниқ айтиш қийин. Лекин улуғ шоиримиз Чўлпон ёзганидай: «Йўқ, ўлим йўқ, Бир ўчиб сўниш, яна ёниш бор!» Ватан ва халқ бахт-саодати йўлида шаҳид кетган аждодларимиз халқимиз хотирасида абадий барҳаётдир.

Маросимда қатағон қурбонларининг авлодлари, яқин қариндошлари - Холида Аҳророва, Мутал Бурҳонов, Рафиқа Абдуғаниева, Назира Қодирова, Эгамназар Қодиров сўз олиб, қатағон даҳшатларидан, шаҳидларнинг бегуноҳ оила аъзолари чеккан жабр-зулм, бемисл азоб-уқубат ҳақида сўзладилар. Ўша мудҳиш кунларнинг қайтмас бўлиб кетиши ва шаҳидлар табаррук номларининг тикланиши борасида улкан ишларни амалга ошираётган Президент Ислом Каримовга миннатдорлик туйғуларини изҳор этдилар. Ана шундай хайрли ишлардан бири бўлган мазкур муаззам боғ эса шаҳидларнинг хотирасига қўйилган муносиб ёдгорлик эканини таъкидладилар.

Маросим якунлангач, Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқотда бўлди. Юртбошимиз, бугунги авлодлар ватан ва халқ бахт-саодати йўлида қурбон бўлган аждодларимиз олдида қарздор эканини таъкидлади. Бугун очилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи ана шундай қарзни узиш йўлидаги бир қадамдир. Айни пайтда бу ёдгорликни ҳақиқат ва адолат тантанаси сифатида ҳам тикладик, деди мамлакатимиз раҳбари. Чунки адолат ва ҳақиқат барибир рўёбга чиқади. Адолат ва ҳақиқат бўлмаган жойда эса демократия ҳам бўлмайди, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳам иложи йўқ.

Ана шундай буюк мақсадларни ўз фаолиятига шиор қилиб олган бобомиз Амир Темур улкан ва шавкатли давлат қуриш йўлида қанчадан-қанча мушкулотларни бошидан кечирган, қамоқларда азоб чеккан, саҳроларда дарбадар кезган. Лекин у ўз мақсади йўлида собит бўлгани учун ҳам охир-оқибатда ниятига эришган. Ўша сабот-матонат халқимизга меросдир. Шу сабот буюк келажагимизнинг гаровидир.

«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи илк кунданоқ зиёратчилар билан гавжум бўлди.

**Мусулмон НАМОЗ,**
**ЎзА мухбири.**

## «МЕҲР-ШАФҚАТ» САХОВАТИ

***«Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси жорий йилнинг дастлабки чорагида кам таъминланган, ёрдамга муҳтож инсонларга, кўп болали оилаларга ҳамда ногиронларга жами 400 минг сўмликдан зиёд хайрия ёрдамлари кўрсатилди, - деди «Туркистон-пресс» мухбирига Ўзбекистон Республикаси «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Мухтор УСМОНХЎЖАЕВ.***

— Хусусан, болалардаги қанд касаллигининг олдини олиш мақсадида «Болалар эндокринологик диспансери»га ва «Болалар сил касалликлари диспансери»га тиббий воситалар ва дори-дармонлар сотиб олиш учун 100минг сўмдан маблағ ажратдик.

Шунингдек, жамғарма Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси қошидаги «Аёл ва саломатлик» уюшмаси ташаббусига қўшилган ҳолда, пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Ғалаба» маҳалласида истиқомат қилувчи, соғломлаштиришга муҳтож ва ижтимоий кам таъминланган 50 та оилани, ҳомиладор ҳамда туғиш ёшидаги аёлларни имтиёзли даволанишлари учун тегишли тиббиёт муассасаларига бириктириб қўйди.

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ бир қатор хайрли ишларни амалга оширяпмиз, — таъкидлади М.Усмонхўжаев. — Хусусан, Хотира ва Қадрлаш кунида саломатлиги ночор уруш ва меҳнат фахрийларининг хонадонларида бўлинди. Хусусан, жамғарма вакиллари пойтахтимизнинг Яккасарой туманида яшовчи уруш фахрийси, шифокор Эсон Қосимхўжаев, шу туманлик иккинчи жаҳон урушида Берлин остоналаригача борган Олга Терёхина, Чилонзор туманида истиқомат қилувчи истеъфодаги тиббий хизмат капитани, уруш ва меҳнат фахрийси Фахринисо ая Рамазонова, уруш қатнашчиси Ҳабибулло Комиловларнинг хонадонларига ташриф буюришиб, кўнгил сўрашди.

Жамғарма, шунингдек, «Соғлом авлод йили» муносабати билан Тошкентдаги 150 нафарга яқин ногирон, кўп болали, кўмакка муҳтож аёлларнинг пенсияларига энг кам иш ҳақи миқдорида қўшимча тўловни ташкил этишни ҳам режалаштирган.

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимизнинг «Интерконтинентал» меҳмонхонасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида мамлакатимизга Германиянинг Кредитанштальт фюр Видерауфбау банки делегацияси ташрифининг якунлари ҳақида сўз борди. Делегация раҳбари, КфВ банки бошқаруви аъзоси доктор Петер Клаус республика ҳукумати вакиллари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан музокаралар натижасидан қониқиш ҳосил қилганлигини айтди ва журналистларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги саволларига жавоб берди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Маршалл режаси номи билан маълум бўлган Германияни тиклаш режаси доирасида ташкил этилган КфВ банки ўтиш даври иқтисодиёти муаммолари билан яхши таниш. Банк Германия федерал ҳукуматининг топшириғига кўра мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Шу давр ичида имтиёзли молиявий ва техника ёрдамининг умумий қиймати 240 миллион немис маркасидан ошиб кетди.

Ҳамкорликнинг асосий соҳалари - республикада транспорт, телекоммуникация ва молия соҳасини ривожлантиришни инвестициялашдан иборат. Биргаликда амалга оширилган энг йирик лойиҳалар қаторида 100 миллион немис маркаси миқдорида маблағ сарфланган Тошкент аэропортини реконструкция қилиш, Чирчиқ шаҳрида телекоммуникацияларни ривожлантириш, шунингдек, кичик ва ўрта тадбиркорликка ишлаб чиқариш инвестицияларини молиялаш учун кредит линиялари очиш орқали Ўзбекистон молия соҳасига ёрдам кўрсатиш лойиҳаларини санаб ўтиш мумкин.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ташриф доирасида КфВ банки ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ўртасида республикага 5 миллион немис маркаси қийматида грант бериш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Бу маблағ касалхоналар ва ўпка касаллиги диспансерлари учун асбоб-ускуналар, шунингдек, бу хасталикка қарши курашда зарур бўлган дори-дармонлар харид қилишга сарфланади. Ҳамкорлик бошқа соҳаларда ҳам давом эттирилади. Хусусан, Хоразм вилоятида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш тизимини яхшилаш лойиҳаси амалга оширилмоқда. КфВ банки халқаро транспорт логистика марказини тузиш, Наманган ва бошқа бир қанча вилоятларда телекоммуникацияларни ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этишни режалаштирмоқда.

- Ташриф мобайнида имзоланган битимлар Ўзбекистон билан ҳамкорликни давом эттиришга интилишимизнинг ёрқин ифодасидир, - деди матбуот анжуманида КфВ банки бошқаруви аъзоси Петер Клаус. - Республикада банкимиз иштирокида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг юқори малакавий даражаси ва сифати ҳамкор танлашда хато қилмаганимизни тасдиқлайди.

**(ЎзА).**

*Газетхон илтимосига кўра*

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ИМТИЁЗЛАРИ

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни амалга ошириш, бозор иқтисодини шакллантириш, миллий қонунчилик асосида ижтимоий ислоҳотни амалга ошириш зарурияти, уни халқаро ҳуқуқ стандартларига яқинлаштириш борасида амалий қадамлар ташланди. Қатъийлик билан Республикада аёллар ҳуқуқи тизимини яратиш жонланди ва хотин-қизларимизнинг ижтимоий фаолллиги анча ўсди.

Хусусан, Меҳнат кодексининг «Айрим тоифадаги ходимларга бериладиган қўшимча кафолат ва имтиёзлар»га бағишланган XIV бобида аёлларга ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бир қатор ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар берилган. Бу ҳол аёллар меҳнати тўғрисидаги халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Конвенцияси талабларига тўлиқ жавоб беради.

Илгариги Меҳнат қонунлари кодексида дам олиш, байрам кунларида қўшимча ишларга ҳомиладор ва ёш болали (яъни 3 ёшгача боласи бор) аёлларни жалб қилиш ман этилиши қайд этилган. Амалда эса ушбу қўшимча «имтиёз» аёллар учун тескари хизмат кўрсатар эди.

Маълумки, ишлаб юрган ва қарамоғида 3 ёшгача бўлган боласи бор аёлларнинг кўп қисми декрет таътилида бўладилар. Фараз қиламиз: аёл фарзанди 2ёшга тўлгач, яъни қисман ҳақ тўланадиган таътили тугагандан сўнг, моддий қийинчиликлар сабабли ишга чиқди. Аслида бундай аёллар ўзининг моддий аҳволини яхшилаш учун дам олиш ёки байрам кунлари қўшимча иш олишни хоҳлайди. Бундай меҳнатга оширилган миқдорда ҳақ тўланади, бу эса, аёлга қўшимча маош олиш ва уни боласига сарфлаш имконини беради. Аммо илгари амал қилувчи қонунлар буни ман қилар эди. Демак, она ва бола манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бу «имтиёз», аксинча улар фаолиятини чеклаб қўярди.

Ҳозирда амал қилаётган Меҳнат кодексида ушбу масала соддалаштирилган ва бир томонлама ҳал этишдан воз кечилиб, қуйидагича йўл тутилади: ҳомиладор бўлган ва 14 ёшгача болалари бор (16 ёшгача ногирон болали) аёлларни кечаси қўшимча ва дам олиш кунлари ишга ҳамда хизмат сафарларига жалб қилиш учун уларнинг розилиги керак. Шунингдек, кечки сменада ишлаш учун ҳомиладор аёл ёки фарзанди 3 ёш бўлмаган аёлларнинг розилигидан ташқари, аёл ва фарзанд соғлиғига бундай ишнинг зарарли эмаслиги учун тиббий ҳужжат керак бўлади.

Албатта, янги тартиб кўпроқ аёллар манфаатини ҳимоя қилади, чунки олдиндан унинг қандай йўлни тутиши белгиланмай, бу аёлнинг ўзига ҳавола қилинади.

Аммо бу ҳолат меҳнат фаолияти соҳасида аёлларга нисбатан барча чегаралашлардан воз кечиш дегани эмасдир. Бошқача қилиб айтганда, бу чегаралашлар айнан аёллар соғлиғини сақлаш учун зарур бўлган вақтларда қўлланиши керак. Масалан, амалиётдаги қонунда аниқ белгиланган рўйхат мавжуд бўлиб, унда аёллар учун юкларни кўтариш ва силжитишда мумкин бўлган оғирликлар нормаси ва зарарли меҳнат шароитлари белгиланган.

Кейинги йилларда қабул қилинган қонунларда биологик сабабларга кўра, фақат аёлларга тегишли бўлган (чунончи, ҳомиладорлиги ва туғиши сабабли ҳақ тўланувчи таътилда бўлган ҳуқуқ) ҳуқуқлардан бола тарбияси билан боғлиқ бўлган нафақат аёллар, балки эркаклар ҳам амалда фойдаланиши мумкинлиги яққол намоён бўлади.

Масалан, кўп йиллар давомида 3 ёшгача бўлган болага қараш учун бериладиган таътил фақат аёлларга тақдим этиларди. Аммо боланинг онаси оилада энг катта миқдордаги маошга эга бўлса, у ҳолда туғишдан кейин бериладиган таътилдан сўнг айнан онанинг ишга тушиши, болага қараш учун эса ота ёки оиланинг бошқа бир аъзоси таътилга чиқиши афзалроқ бўлади. Шунинг учун амалдаги қонунлар ушбу таътилга ким чиқиши масаласини оиланинг ўз ихтиёрида қолдиради.

Бугун, болага қараш бўйича таътиллар тўлиқ ёки қисман равишда нафақат онага, балки отага, буви, бува ёки болага қараётган бошқа бир қариндошга ҳам берилади.

«Фуқароларни давлат нафақаси билан таъминлаш» тўғрисидаги қонунда кўзда тутилган имтиёзларга кўра, ишламаётган аёлнинг 3 ёшгача бўлган болага қараш вақти иш стажига киритилади, аммо бу вақт ҳаммаси бўлиб 6 йилдан ошмаслиги керак.

Ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам учраб турадики, боланинг отаси корхонанинг фаолияти тугатилиши муносабати билан ишини йўқотди, она эса оилани таъминлаш учун ишга чиқди.

Боласи 3 ёшга тўлгунча уни ишламаётган отаси тарбияласа, бу вақт унинг меҳнат стажига қўшилмайди. Бундан келиб чиқадики, фарзанд 3 ёшга тўлгунча, унга ота ҳам, она ҳам қараши мумкин, аммо бу вақт (яъни 3 йил) фақатгина ишламаётган онасининг меҳнат стажига қўшилади.

Аёллар ва фарзанд манфаатига жавоб берувчи ва фақат эркаклар учун белгиланган қўшимча ҳуқуқлардан амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида янгилик ҳисобланади. Масалан, Меҳнат кодексининг 144 моддаси 4 қисмида биринчи марта ишлаётган эркакларга навбатдаги меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра, турмуш ўртоғининг ҳомиладорлиги ва туғиши бўйича таътили даврида берилиши кўзда тутилган.

Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси лойиҳаси экспертиза учун халқаро меҳнат ташкилотига юборилган эди. ХМТ нинг лойиҳага берган шарҳларида, аёллар ва вояга етмаганларни юқори даражада ижтимоий ҳимоя-қилиш ва уларнинг меҳнат шароитини яхшилаш борасида «кўрсатилаётган ёрдам мақтовга лойиқ» эканлигига аҳамият берилган. 1996 йилнинг 1 апрелидан, яъни Меҳнат кодексининг амалга киритилиши вақтидан бошлаб, аёллар ва оилавий мажбуриятларни бажариш билан машғул бўлган шахслар учун кўзда тутилган қўшимча кафолатлар ҳам қўлланила бошланди.

Лекин амалиётда аёллар томонидан меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида кўпгина муаммолар вужудга келади.

Ҳуқуқий амалиётнинг таҳлили шуни кўрсатдики, кўпинча аёлларнинг меҳнат ҳуқуқлари шунчаки эмас, балки аёлларнинг ўзлари томонидан ва керакли лавозимдаги шахсларнинг ҳуқуқ соҳасида етарли даражада маълумотга эга эмаслиги натижасида бузилади.

Қатор ҳолларда, меҳнат ҳуқуқларининг бузилишини айрим қонуний ва ишчилар ҳамда иш берувчиларга етказиб берилмаслиги билан тушунтириш мумкин. Натижада Конституциямизнинг 30 моддасида қўйилган талаблар, яъни Ўзбекистон Республикасининг барча мансабдор шахслари, жамоат ташкилотлари ва давлат органлари томонидан фуқароларни ўз ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли бўлган ҳужжатлар ва бошқа материаллар билан таништириш имкониятини таъминлаш бажарилмаяпти.

Ушбу ҳолатни ўзгартириш учун қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш, айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, амалда пайдо бўлган масалаларни тушунтириш борасида ахборот воситаларининг фаолиятини кучайтириш, айнан корхоналарнинг ичида махсус иш олиб бориш зарур. Бундай фаолиятни ташкил этишда касаба уюшмалари, корхоналардаги ишчиларнинг вакиллик органлари ўз улушларини қўшишлари лозим.

Қонунлар қанчалик мукаммал ва оммабоп бўлмасин, вақт ўтиши билан ижтимоий-иқтисодий шароитнинг ўзгариши туфайли қўшимча ва ўзгаришлар киритилишига зарурат сезилади.

Аёлларнинг амалда ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнларида айрим муаммолар ҳам вужудга келиши табиий ҳолдир. Шу сабабли аёллар ҳуқуқини таъминлаш соҳасида мавжуд бўлган муаммолар, амалдаги қонунларни янада такомиллаштириш кераклигини кўрсатади.

Шундай қилиб, аёллар меҳнати қонун асосида муҳофазаланган. Ундан унумли фойдаланиш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим бўлади:

— ҳуқуқий маданиятни ошириб бориш:

— қонунлар асосида яратилган имтиёзлардан унумли фойдаланиш учун мутахассисга мурожаат қилиб туриш:

— ҳар бир фаолиятда қонунлардан фойдаланиш малакасини ошириб бориш:

— матбуот воситаларида эълон қилиниб бораётган қонунларга оид янгиликларни кузатиб бориш:

Жамият гўзал ва ҳуқуқий онги юксак аёлни севади. Ўзбекистон аёллари ана шунга муносиб зотлардир.

**Умида ҲАЙДАРОВА,**
**Республика «Оила» илмий-амалий маркази ҳуқуқшуноси.**

*Тиббиёт оламидаги кашфиёт*



# ДИАБЕТГА ҚАРШИ АЖОЙИБ ВОСИТА

Яқинда тиббиёт оламида бир янгилик кашф этилди. Тошкент вилоятида илк бор ер юзида кенг тарқалган касаллик-қандли диабетга қарши ишончли восита — «Глипил» ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ноёб дорини иқтидорли ўзбек олими, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, муҳандислар академиясининг мухбир аъзоси, техника фанлари доктори, профессор, «Самитол» (Сиртқи актив моддалар) илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Тоҳир Маҳмудов яратишга муваффақ бўлди.

— Бундан 25 йил олдин тўсатдан қандли диабет хасталигига чалиниб қолдим, - дейди олим. - Ўшанда шифокорлар маслаҳати билан турли даволаш воситаларидан, айниқса касалликка қарши мавжуд бўлган таблеткалардан фойдаландим. Улар фойда беришга берарди-ю, аммо жигарим ва кўзимга салбий таъсир ўтказарди.

Мутахассислигим кимёгар-органик бўлганлиги боис амалдаги синтетик дори-дармонлар ўрнига табиий оқсил моддасидан олинган препарат тайёрлашга уриниб кўришга аҳд қилдим. Бу ўй-ҳаёл кеча-ю кундуз тинчлик бермасди... Изланиш, ўрганиш, синовдан ўтказиш, таҳлил қилиш, таққослаш...

Т.Маҳмудов ўз аҳдини рўёбга чиқариш йўлида неча-неча уйқусиз тунлару беором кунларни ўтказмади. Шу тариқа орадан роппа-роса 15 йил ўтгач «Глипил» дориси яратилиб, унга патент олишга муваффақ бўлди.

Халқимизда табиб табиб эмас, бошдан ўтказган табиб, деган нақл бор. Касалга чалинган олим янги дорини энг аввало ўзида обдон синаб, такрор ва такрор тажрибадан ўтказгач, фойдасини яққол кўрди. Мана бир неча йилдирки, соғлиғидан, хусусан, қандли диабетдан шикояти йўқ. 63 ёшида кўрган қизчаси бу йил мактабга боради.

«Глипил» оқсил моддасидан тайёрланадиган дори бўлиб, унинг асосини пилла қуртининг сўлак безидан олинган хом ашё ташкил этади. Шу жиҳати билан қандли диабет хасталигига қарши ишлатиладиган синтетик дори-дармонлар, чунончи «Глюренорм», «Диабетон», «Манинил»лардан табиийлиги билан тубдан фарқ қилади. Бундан ташқари, у ишончли восита бўлиб, қонни тез тозалаш ва қандни бир меъёрда ушлаб туриш қувватига эга.

Янги дори ўтган йиллар давомида мамлакатимизнинг 10дан зиёд йирик клиникаларида, илмий муассасаларда, тиббиёт олий ўқув юртларида синчиклаб ўрганилди ва унинг салбий томонлари йўқлиги аниқланди. Бу ҳайрли ишда таниқли кимёгар, биолог ва шифокор олимлар фаол иштирок этишиб, ўзларининг ижобий баҳоларини бердилар.

«Глипил»дан ҳали «Инсулин»га ўтмаган беморлар фойдаланишлари мумкин. Чунки, касаллик бошланган илк даврда ундан фойдаланилса самараси янада юқори бўлади. Лекин бошқа дори-дармон сингари бу доридан ҳам даволовчи шифокор тавсияси билангина фойдаланиш лозим. Шифокор дорининг қабул қилиш миқдорини, неча кун, қай маҳалда истеъмол қилиш зарурлигини аниқ белгилаб бериши ва беморнинг ҳолатини мунтазам кузатиб бориши лозим.

Кези келганда бир нарсани эслатиб қўйиш жоиз: «Глипил»ни бозор-ўчардан ёки «қўлдан» харид қилиш хавфли бўлиб, фақат дорихоналардан олиш зарур.

«Глипил»нинг яна бир муҳим жиҳати, у Тошкентдаги фармацевтика заводида иккиламчи маҳаллий хом ашё — пиллачилик фабрикалари чиқиндилари ҳисобига тайёрланади. Шу боис, унинг нархи хориждан келтириладиган дори-дармонларга нисбатан анча арзон. Кашфиётчи олимнинг фикрига қараганда, янги дорини тайёрлаш жараёни такомиллашган сари, у янада арзонлашиб бораверади.

— Энг муҳими, қандли диабетга қарши амалда қўлланилиб келинаётган хорижий дорилар сафига ўзимиздаги хом ашёдан кашф этилган ишончли восита — «Глипил» ҳам қўшилди.

**Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ.**

*Ибратли ташаббус!*

## МАРҒИЛОН-БУХОРО: МАҲАЛЛАЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Марғилонлик бир гуруҳ маҳалла аҳли буюк аллома Бурхониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллигига тайёргарлик жараёнида Бухоро шаҳрига бордилар.

У ердан машҳур фикҳ олимининг ҳаёти ва бой илмий меросини янада чуқур ўрганиб, янги маълумотлар олдилар, ҳазратнинг устозлари қадамжоларини тавоф этдилар.

Ана шу изланишлар жараёнида янги бир ташаббус маъқулланди. Марғилондаги Йўлдош Охунбобоев номли маҳалла фуқаролар йиғини билан Бухоро шаҳридаги «Кўкалдош» маҳалла фуқаролари йиғини ўртасида ҳамкорлик шартномаси тузилди. Унга кўра ҳар икки маҳаллада ижтимоий, маънавий-маърифий ва ташкилотчилик соҳаларида тўпланган тажрибаларни ўртоқлашишга келишиб олинди. Маҳаллалар оқсоқоллари ва ёшларнинг улуғ бобоконларимиз ҳаётлари ва асарларини ўрганиш, қадамжоларини зиёрат қилиш учун борди-келдилар йўлга қўйиладиган бўлди.

Айниқса ҳар икки маҳалла ҳудудида жойлашган ҳазрат Баховуддин Нақшбанднинг шогирди Хожа Муҳаммад Порсо номи билан аталувчи кўчада истиқомат қилувчиларнинг бу муборак инсон ҳаётини ўрганиш борасидаги таклифлари эътиборга лойиқдир. Шунингдек, маҳаллаларда ўтказилаётган тадбирларни биргаликда уюштириш, тарбиявий ишларда тажриба алмашишга келишиб олдилар. Миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихимизни ўрганиш ўзаро ҳамкорлик борасидаги бу хайрли ишлар барчага маъқул бўлмоқда.

— Маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлиб сайланганимга ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ, — дейди «Кўкалдош» маҳалласи оқсоқоли Тельманжон Қодирбоев. — Ҳамкорликдаги шартнома биринчи навбатда янги иш ўринларини ташкил этиш, ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, ҳунармандларимизнинг бошини қовуштириб, уларни устахона ва кичик корхоналарга жамлашда қўл келади. Бу соҳада марғилонлик биродарларимиз ёрдамига таянамиз.

Марғилондаги Йўлдош Охунбобоев номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ражабали Ҳошимов эса шундай дейди.

— Юртимизда яшаб ўтган улуғ мутафаккирлар, олиму фузалолар тарихларини ўрганишимизга кенг имкониятлар яратилди. Биз ўз маҳалламиз тарихини ёздик. Эндиги вазифа Бухоро билан Марғилон ҳунармандларининг асрлар оша барҳаёт дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш. Ахир Буюк ипак йўли ўтган диёрларимиз шуҳрати ҳамкорлик алоқалари билан қудратли бўлган-ку!

**Ўктам ЭШОНБОБОЕВ.**

Янгийўл туманидаги «Авазбек» корхонаси ташкил этилганига кўп вақт бўлмаса-да, шу кунларда бу ерда тўрт хил турдаги нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Тайёрланган неъматлар сифатлилиги билан харидорларга маъқул тушаяпти.

Келгуси режалар янада яхши. Макарон ишлаб чиқариш цехини ҳам ишга тушириш, маиший хизмат шохобчасини фойдаланишга топшириш шулар жумласидандир.

**Суратда: корхона раҳбари Нибжон Охунов ҳамда уста нонвой Шерали Жўраев.**



## ЯНГИЧА ҚЎЛЛАНМА КЕРАК

Фалсафани фанларнинг онаси дейишади. Бу бежиз эмас, албатта. Киши дунёқарашининг шаклланиши, олам ва одамнинг яралиши, табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари, ҳаёт моҳиятини англашда фалсафанинг алоҳида ўрни бор.

Миллий мафкура ҳам фалсафасиз шаклланиши, такомиллашуви ҳамда фуқаролар онгига сингиши мумкин эмас.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Файласуфлар миллий жамияти билан ҳамкорликда уюштирган «Ижтимоий онг, тафаккур ва фанларнинг истиқлол талаблари даражасида янгиланиш» мавзусидаги давра суҳбатида ушбу масалалар хусусида сўз борди.

Хўш, демократик жамиятда фалсафа фанини ёшларга қандай ўргатамиз? Миллий фалсафамиз тарихи, унинг жаҳон фанига қўшган улкан ҳиссасини қай йўсинда акс эттирамиз? Истиқлол даври фалсафаси моҳиятида нималар ётади? Миллий фалсафа билан жаҳон фалсафаси ютуқларини қай тарзда уйғунлаштирамиз? Фалсафа ҳамиша турли-туман қарашлар, оқимлар, йўналишлар бўлиши табиийлигини талабаларга тушунтириш йўллари нималардан иборат? Бу борада хориж тажрибаларидан фойдаланиш учун нималар қилиш керак?

Давр иштирокчилари ана шундай саволларни ўртага қўйиб, атрофлича муҳокама қилдилар.

Йиғин самарали тарзда якун топди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буюртмаси асосида фалсафа ўқув фани бўйича яъни қўлланма сифатида маърузалар матнларини тайёрлаб, чоп этишга келишиб олинди.

*Қарор ва ижро*

***Яқинда Тўрткўл тумани ҳокимлиги масъул ходимларидан бири марказий газеталардан бирининг икки кун олдинги босилган сонини излаб, хуноби ошиб юрганининг гувоҳи бўлдик. Аниқланишича, газета ҳали Нукусдан келтирилмаган экан. Вазият билан яқиндан танишганимиздан сўнг бу ҳол тез-тез такрорланиб, обуначиларнинг ҳақли равишда ранжишига сабаб бўлаётгани аён бўлди.***

## ОБУНАЧИ АМАЛИЙ ЖАВОБ КУТМОҚДА

— Газеталарнинг кечикиб келиши одат тусига кириб қолди, - дейди «Қорақалпоғистон почтаси» ҳиссадорлик жамияти Тўрткўл тумани филиали бошлиғининг ўринбосари Султон Абдураззоқов. - Чунки марказий газеталар кечқурунги рейсдаги самолётларда Нукус шаҳрига олиб келтирилади. Эртасига Нукусдан автобусларда Тўрткўл, Беруний, Бўстон ва Манғит шаҳарларига, марказдан салкам 250 километр узоқликдаги Мўйноқ ҳамда Қўнғироқ, Тахтакўпир туманларига жўнатилади. Демак, олдинги куни чоп қилинган эрталабки газеталар бир кун ўтгач, кечқурун етиб келади. Шу боис биз икки кундан кейин газеталарни обуначиларга жўнатамиз. Олдинлари «Тошкент-Тўрткўл» йўналишидаги самолётлар қатнови ҳар куни амалга ошириларди. Газеталарни ҳам шу куни олардик. Ўтган йил декабр ойидан эътиборан бу йўналишда самолётлар қатнови тўхтатилди. Газеталарни ўз вақтида олишимиз мушкуллашди. Ўз-ўзидан равшанки, бу ҳол табиий равишда обуначиларнинг кескин камайиб кетишига олиб келди. Туманимизда 150 минг аҳоли истиқомат қиладиган бўлса, атиги 5700 донадан сал кўпроқ газета олаётганимиз фикримизни тасдиқлайди.

Ҳамсуҳбатимизнинг куйинганича бор. Юқорида тилга олинган Тўрткўл ҳамда Беруний, Элликқалъа, Амударё туманларида ярим миллион аҳоли истиқомат қилади. Аммо, бор-йўғи 20 минг дона маҳаллий ва марказий газеталарга обуна бўлинган, холос.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Даврий матбуотни тарқатувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори газета-журналларни обуначиларга ўз вақтида етказиб беришдаги камчиликларни тузатишда муҳим омил бўлиши керак. Бу ҳақда «Қорақалпоғистон почтаси» ҳиссадорлик жамияти директори Рая Жақипбоевна Собурованинг фикрини билишга қизиқдик:

— Мазкур қарор бизнинг корхона учун ҳам ўзига хос ғамхўрлик намунаси бўлди, - деди директор. - Ҳужжатни мавжуд 17 та шаҳар ва туман филиалларининг барчасида синчиклаб ўрганиб чиқдик. Энг муҳими, матбуот тарқатувчи корхоналар фаолияти самарадорлигини янада орттириш, нашрларни вақтида етказиб бериш, нашр баҳосини арзонлатиш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилганлиги жамоамиз аъзолари руҳини кўтариб юборди. Демак, бундан кейин бўшаган маблағлар матбуотни тарқатиш тармоғини ривожлантиришга сарфланади. Агар Қорақалпоғистон Республикасида минг аҳоли ҳисобига ҳозир салкам 55 киши газета-журналларга обуна бўлган бўлса, уларнинг сони келгусида кескин ортади. Масаланинг иккинчи, муҳим жиҳати, бу вилоятларга матбуотни етказиб бериш бўйича «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига аниқ кўрсатмалар берилганлигидир. Чунки бундан буён марказий газеталар ҳар куни эрталабки рейсда учадиган самолётларда келтирилиши кўзда тутилган. Обуначиларнинг ҳақли эътирозлари инобатга олинган ва улар энди газеталарни ўз вақтида мутолаа қилиш имконига эга бўлдилар.

...«Қорақалпоғистон почтаси» ҳиссадорлик жамияти раҳбарининг фикрига қўшиламиз. Аммо, масаланинг яна бир жиҳати бизни ўйлантириб қўйди: ҳукуматимизнинг юқоридаги қарори эълон қилинганига ҳам анча муддат ўтди. Бироқ, биз юқорида сўз юритган туманларга марказий газеталарнинг кечикиб келиши ҳамон давом этмоқда. Муштарийлар эса амалий жавоб кутмоқдалар.

**Абду РАҲМОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ЮРТ БАХТИНИ КУЙЛАЙМАН

*Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова билан суҳбат*

***Коммуна опа бизни илиқ кутиб олдилар ва самимият ила уйга таклиф этдилар. Шинам ясатилган хона. Шарқ маданияти дурдоналари билан бирга бир четда тим қора пианино савлат тўкиб турарди. Қайси бир соз устасининг нафис асари дуторга ҳам гард юқмаган. Уни кун сайин қўлига олиб, кўксига босиб дардлашадиганлар бу хонадонда кўп эканлигини дарҳол пайқадик.***

***— Сизни кимсан Коммунахон Исмоилова бўлиб элга танилишингизда, шубҳасиз, устозларнинг ҳиссаси катта. Бу ҳақда ўзингиз нима дея оласиз?***

— Бахтим бор экан, Гавҳар опа Раҳимованинг назари менга тушган... Кейин Комилжон Отаниёзовдан ўргандим. Улардан умрбод миннатдорман. «Шоҳсанам ва Ғариб»дан «Ўғлима ўхшайди-я овозинг сани...» ашуласини илк бор тинглаганимда ҳанг-манг бўлиб қолганман. Сўнг Комилжон ака қунт билан ўргатганлар уни. Ўша дақиқалар ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ҳар бир сўз, сатр ва мусиқа уйғунлиги, ўта таъсирчан оҳангнинг кучайиб бориши, ансамблнинг жўр бўлиши сирлари... Куни кеча бир учрашувда яна шу ашулани талаб қилишди. Бажонидил айтдим. Залда ўтирганлар орасида йиғлаганларни кўрдим. Устозим ўргатган ашула ҳеч эскимас экан-да, деб ўйладим ўзимча.

Яна бир устозимни тилга олмай ўта олмайман. Фаҳриддин Содиқов — бастакор, созанда, нозик дидли, ўта талабчан устоз сифатида жуда кўп хизматлари сингган менга. Бу санъаткор анъаналарни инкор этмас, тажрибани ёдда сақлар, лекин ҳар бир янги ашула янгича ёндошувни, психологик тайёргарликни, усулларнинг турли мураккаб турларини қўллай олишни талаб этишини эслатиб турарди. «Бир гўзал бордир...» ашуласини басталаб менга ўргатган кунлар ижод мактаби хизматини ўтади, чамаси...

Аҳамият беринг: устозларим назарий билим билан қуролланибгина қолмай, ўзлари ҳам чин ижодкор эдилар: Гавҳар опа рақс тушибгина қолмай, ўйинни саҳналаштиришда ҳам ўткир зеҳнларини намойиш этардилар... Комилжон ака хушовоз хонандагина эмас, шоир, бастакор сифатида ҳам танилган эдилар... Фаҳриддин ака эса чангда энг мураккаб куйларни ҳам маромига етказиб ижро этардилар-да, куй басталаш, ашула ижод этиш йўлида тинмай изланар, самарали меҳнат қилардилар... Мураббий шундай бўлса-да!



Устозларимнинг ўгитлари ҳамиша ёдимда. Маннон Уйғур номидаги санъат институтида талабалар билан машқ қилишимда ўша дақиқаларни эслайман, улардан олган сабоқларимни ёшларга ўргатаман.

***— Сиз фронтда ҳам бўлгансиз...***

— Берлин остоналарида жанг кетаётган дамларда бир жангчи қўлида қонга бўялган гимнастёркани кўтариб «Акамиздан ажралиб қолдик...» деб фарёд чекканини ҳозир ҳам аниқ тасаввур этиб турибман. Гимнастёрка ўзбек ўғлони Собир Раҳимовники эди... Гўзалликда тенги йўқ Зебо Ғаниевани айтмайсизми! Шунинг учун ҳам у «Тоҳир ва Зуҳра» фильмидаги Моҳим ролига таклиф этилган эди. Шундай нозик қиз, рақс сирларини ўргана бошлаган ёш санъаткор уруш майдонларида мерган-снайпер сифатида шуҳрат қозониши... Оёғидан яраланган қизалоқ умрининг охиригача олим, тадқиқотчи, таржимон сифатида меҳнат қилгани ва бу жабҳада ҳам довруғ таратгани то ҳануз менда ҳайрат уйғотади.

***— Коммуна опа, юртимиз узра ёқимли овозингиз таралди. Ўзга юртларни кўрдингиз. Истеъдодли шогирдларингиз бор... Армонингиз йўқдир...***

— Бор. Кўп устозларим, ҳамкасбларимнинг қадрига етилмади ўтмишда. Султонпошша Раҳимовани, Назира Юсуповани эл хўп суяр эди. Уларнинг қиёфалари, ижролари тасмаларда қолмади. Комилжон Отаниёзов ҳам жуда кам суратга олингани эндиликда маълум бўлди. Фахриддин Содиқов қанчалик завқланиб чанг чаларди. - У ҳам деярли суратга олинмай қолган... Уларнинг нафис санъати тасмаларда абадий муҳрланиб қолиши керак эди...

Яна бир муаммо мени ташвишга солади. Микрофонсиз ашула айтишлар йўқ бўлиб кетаяпти. Анъаналарни, кечаги тажрибани эслайлик! Комилжон Отаниёзовни бир гал микрофонга рўпара қилишганида у «бусиз ҳам залдагилар овозимни эшитади» деб ўша темир ускунани четга суриб қўйганини, қўлига торини олиб ашуласини айтганини ва йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлганини кўрганман... Катта томоша заллари, ТВ, радио, кино учун микрофонга зарурият бордир. Кичик залларда — йўқ. Бунинг устига олдин ёзиб олинган фонограмма томоша залларида қўйилиши ҳоллари ҳам қизиқарли кўринади менга...

***Коммуна опа фақат ёқимли овози, ижрочилик истеъдоди, кўп йиллик изланишлари билангина эмас, эл ташвиши билан яшаши, шогирд ҳақида қайғуриши, устозларига садоқати билан ҳам обрў қозонганига ўша куни яна бир бор ишондим...***

**Ҳамидулла АКБАРОВ.**

## МУЗ ОЛАМИ ҲАҚИДА

Бордию, дунёдаги барча музлар эриб кетгудек бўлса, океанлардаги сув сатҳи 65 метр кўтарилган бўларди.

Мутахассис олимларнинг ҳисобига қараганда, Арктикадаги музлар эриб кетса, унинг қоқ марказида ўртача ҳарорат 5 даражадан ҳам иссиқ бўлиб қоларкан.

Помир тоғидаги Федченко музлиги эгаллаб ётган 992 квадрат километр майдон Тошкент шаҳридан 4 баровар ёки Швейцария билан Австрия чегарасида жойлашган Лихтенштейн давлатидан салкам 7 баровар катта.

Федченко музлиги эритилди деб фараз қилсак, ундан ҳосил бўладиган сув Амударёдан тахминан 7 йил давомида оқиб ўтган бўлур эди.

Бундан 200 йилча муқаддам Петербург шаҳрида муздан шинамгина уй бино қилинган эди. Бир куни подшолик қизиқчилари ана шу уйда «никоҳ тўйи» деган томоша кўрсатиб, меҳмонлар кўнглини роса овлашган.

*Ҳашар элга ярашар*

# УЗУНДА САВДО МАРКАЗИ

«Шоҳи одил юртнинг эли бой бўлади», дейилади муборак ҳадисларда. Аҳа шу ҳикмат нақадар топиб айтилганига бир неча бор амин бўлганмиз. Ҳашар йўли билан қад ростлаган биноларни кўриб, баъзан хаёлдан ўтказардик: қани эди, биз ҳам туманимизга кўрк берадиган, аҳолимизнинг оғирини енгил қиладиган мана шундай кўркам савдо марказларини қурсак.

Хайрият, орзуларимиз рўёбга чиқди. Юртимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидаги қийинчиликлар ортда қолди. Вилоятимизнинг энг чекка Узун тумани ҳам қисқа вақтда ўзининг сахий ва қўли очиқ одамлари туфайли секин-аста ривожланиб бормоқда. Туман марказида қад ростлаган биноларнинг аксарияти ҳашар йўли билан қурилди. Кўрган кўзни қамаштирадиган биноларга маҳлиё бўлиб, бир гал туман улгуржи чакана савдо матлубот ҳиссадорлик жамияти раиси Қобил Қурбоновга кўнглимни ёрдим.

— Бозор ёнидаги икки қаватли қаровсиз қолган бинони ҳашар йўли билан таъмирлаб, савдо марказига айлантирсак.

— Яхши-ю, лекин кўп маблағ керак бўлади бунинг учун. Ўзингиз эпломайсиз, майли, ёрдам қиламиз, — деди у таклифимни маъқуллаб.

Кўпдан қуён қочиб қутилмас, деганлари рост экан. Тоирбой Фатхуллаев, Холида Нарзакова, Дилором Саидназарова, Меликнор Мирзарахимова каби сафдошларим ҳам қўл қовуштириб туришмади. Қисқа вақтда таъмирдан чиқариб бинони замонавий ҳолга келтирдик. Ҳозир 4 та дўкон, макарон ишлаб чиқариш цехи фаолият юритиб турибди. Савдо маркази ноозиқ-овқат маҳсулотларини энг арзон нархларда халққа етказиб бермоқда. Тармоқни янада кенгайтирмоқчимиз. Яқинда ёш келин-куёвларга 25 фоиз арзонлаштирилган маҳсулотлар сотадиган дўкон, заргарлик буюмлари дўконларини ишга туширамиз. Шунингдек, музқаймоқ цехи фаолият бошлайди.

Бугунги кунда хўжалик ҳисобидаги савдо марказида 12 нафар ходим ишлаётган бўлса, имкониятларни тўлиқ ишга солсак, яна 30 нафар киши иш билан таъминланади.

**Бахшулло АСАДОВ,**
**Узун савдо маркази директори.**

## ДАРВОЗАБОН ПРЕЗИДЕНТ БЎЛМОҚЧИ

Хосе Луис Чилаверт. Бу ном бугун бутун дунё футбол фанатларига яхши таниш. Зотан, у Францияда ўтган жаҳон чемпионати баҳсларида ўзининг ёрқин истеъдодини намойиш этиб, биринчиликнинг «энг яхши дарвозабони» деган шарафга сазовор бўлганди. Ҳозиргача жами 46 маротаба рақиблар дарвозасини ишғол этишга муваффақ бўлган «тўпурар-дарвозабон» келгуси жаҳон чемпионатларида қатнашмаслигини билдирган. Сабаби, у келгусида Парагвай президенти бўлмоқчи. Шунинг учун ҳам Чилаверт тез орада футбол билан хайрлашиб, сиёсат уммонига шўнғиш ниятида. Нима ҳам дердик, «яхши ният — ярим дунё», дейдилар, балки, Чилавертнинг футбол оламидан топган обрўси унинг президент бўлишида яраб қолар...

*Касаба уюшма спорти*

# ЁШЛАРНИНГ ДОИМИЙ ҲАМКОРИ

Жамиятимиз меҳнаткашларни соғломлаштиришнинг асосий омилларидан саналган жисмоний тарбияни ривожлантириш учун зарур бўлган барча чораларни кўрмоқда. Масалан, ўтган йилги режамизга аёлларимизга мос спорт мусобақалари кўпроқ киритилди. Вилоят касаба уюшмалари кенгашининг бошқа жамоат ташкилотлари ва давлат идоралари билан келишилган ҳолда қабул қилган қарорларига мувофиқ меҳнат жамоаларида ишлаётган хотин-қизлар ўртасида тармоқ спартакиадалари ўтказилди. Чунончи, тармоқ қўмиталарида спортнинг волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, шашка, сузиш турлари бўйича вилоят мусобақалари бўлиб ўтди. Унда тармоқ қўмиталаридан 200 нафардан ортиқ хотин-қизлар куч синашдилар. Ғолиб чиққан жамоалар Республика финал мусобақаларида иштирок этишди. Волейбол бўйича I-Республика аёллар спартакиадаси беллашувларида қатнашган вилоят соғлиқни сақлаш тармоқ қўмитаси жамоаси мамлакатда биринчи ўринни эгаллади. Ўқув юртлари аёллари футбол жамоалари ўртасида илк марта вилоят биринчилиги якунида Наманган Давлат университетининг «Гулбаҳор» футбол жамоаси ғолиблик қилди ва республика бўйича ҳам биринчи ўринни қўлга киритиб, Марказий Осиё чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Давлатобод туманидаги аёллар ўртасида ўтказилган сузиш, стол тенниси бўйича ғолиб чиққанлар Самарқанд шаҳрида республика тармоқ қўмиталари мусобақаларида ҳам муваффақиятли қатнашишди. Бугунги кунда вилоят жисмоний тарбия ва спорт жамияти аъзоларидан Екатерина Кремлова, Ольга Штрунова, Светлана Мансурова, Севара Қодирова, Карима Иномовалар халқаро беллашувларда муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси касаба уюшмалари тизими бўйича спортнинг оммалашиб бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Учқўрғон туманидаги «Ҳумо» спорт клуби жамоалари чим устида хоккей бўйича Республика Олий табақа мусобақаларида фаол қатнашмоқдалар. Улар ўтган йили Республика Олий лига жамоалари ўртасида фахрли ўринларни қўлга киритишди. Қизлар жамоасидан 18 нафари спорт усталигига номзод унвонига эга бўлишди. Жамоа аъзоларидан Шоҳиста Дадажонова, Наргиза Ўтбосарова, Муқаддас Аҳмедовалар Республика миллий терма жамоаси таркибига таклиф этилдилар. Эркаклар ўртасидаги чим устида хоккей жамоасидан Шавкат Абдураҳимов, Аҳмад Раҳмонов, Мирзаабдулла Обидов, Марк Соипов ва Бобур Тошбоевлар ҳам Республика ёшлар терма жамоаси таркибида ўйнаётганликларидан фахрланамиз. Булардан ташқари, вилоят касаба уюшмалари кенгаши қошида 4 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолият кўрсатаётир. Уларда оғир атлетика, велосипед спорти, эшкак эшиш, енгил атлетика, бокс, сузиш, каратэ, миллий кураш, футбол ва спортнинг бошқа турлари бўйича машғулотлар олиб борилади. Ушбу мактабларимиз ўқувчилари республика ва халқаро миқёсларда ўтказилаётган беллашувларда қатнашиб, бир неча бор ғолибликни қўлга киритдилар.

Соғломлаштириш, спорт тадбирларини мувофиқлаштиришда узилишлар бўлмаслиги ҳисобга олиниб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг 1999 йил 19 ноябрда қабул қилган қарорига асосан вилоятнинг мавжуд 11 туманида жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқаруви раиси штати жорий этилди ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун тегишли маблағлар ажратилди. Жисмоний тарбия ва спорт жамияти ишини юқори поғонага кўтариш учун барча ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи тайёрлаб берилди.

Биз йил бошиданоқ ўз ишларимизни давр талаблари асосида режалаштириб, шунга мувофиқ фаолият кўрсатмоқдамиз. Айни чоғда вилоятимизнинг барча меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида, маҳаллаларда, хуллас, касаба уюшма аъзолари бор жойларда спорт-соғломлаштириш ишларини кенг йўлга қўйиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

**Ғуломжон ТОЖИМИРЗАЕВ,**
**Наманган вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси.**

## «ТАБАССУМ БАЙРАМИ»

Андижон вилояти Хонобод шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида атоқли санъат устаси, аскиячилар ва комик актёрлар устози, Ўзбекистон халқ артисти, хонободлик Сойиб Хўжаев туғилган куннинг 80 йиллиги муносабати билан «Табассум байрами» ўтказилди. Ушбу тадбир тадориклари вақтли матбуотда, телевидение ва радиода кенг ёритилгани боис, байрамга қўшни Қирғизистон Республикасидан ҳам кўп минг сонли мухлислар келишди.

Сойиб Хўжаевнинг элга танилган шогирдлари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, қорасувлик Ҳасанбой Султонов, асакалик Муҳаммадазиз Ҳасанов, избосканлик Озодбек Исмоилов, олтинкўллик Машҳурбек Раимжонов, хонободлик Саидкамол Мамажонов каби аскиячи ва қизиқчиларнинг чиқишлари кулги байрами муваффақиятини таъминлади.

Тошкентдан ва водий вилоятларидан ташриф буюрган шоир ва ёзувчилар, драматург ва бастакорлар сўз олишиб, Сойиб Хўжаевнинг ўзбек театри ва кино санъатининг ривожи ҳамда ўнлаб ёш истеъдодларга мураббийлик қилишдаги хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.



# МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

## 15—21 МАЙ

**ҚЎЙ (21 март—20 апрел).** Ҳафтанинг бошида ўз раҳбарингизга баҳо берганда жуда ҳушёр бўлинг. Чоршанба, пайшанба кунлари сизни ташвишга солаётган молиявий масала муваффақиятли ҳал этилади. Дам олиш кунлари уй юмушлари билан банд бўласиз.

**СИГИР (21 апрел—21 май).** Душанбадан чоршанбагача қийин ишни уддалайсиз. Пайшанба, жума кунлари ижодий фаоллик кутилмоқда. Шанба куни олисдан хушхабар эшитасиз. Якшанба куни ишқий саргузашт узоқ вақт ёдингизда қолади.

**ЭГИЗАКЛАР (22 май—21 июн).** Сешанба ва жума кунлари саломатлигингиз бироз ёмонлашиши, белгиланган режаларингиз ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Чоршанба куни бировга тегишли муаммони ҳал этасиз. Шанба куни ҳеч кимга ҳатто яқин дўстларингизга катта миқдорда қарз берманг.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22 июн—23 июл).** Ҳафтанинг бошида узоқ сафарларга бормасликни маслаҳат берамиз. Зеро жароҳат олишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Жума кундан бошлаб таваккал ўтказилаётган ҳар қандай тадбирда бемалол иштирок этаверинг. Омад сиз томонда. Якшанба куни эски қадрдонингиз ўзидан хабар беради.

**АРСЛОН (24 июл—23 август).** Душанба, сешанба кунлари раҳбарлар билан мулоқотда имкони борича ўзингизни қўлга олиб сабр-тоқатли бўлинг. Бундай дипломатик муносабатлар мавқеингизга ижодий таъсир кўрсатади.

**БОШОҚ (24 август — 23 сентябр).** Сешанба куни ташкилотчилик қобилиятингизни намойиш этасиз. Ғаройиб ишқий муносабат пайшанба куни бўлиб ўтади. Жума куни молиявий ютуқдан кўнглингиз тоғдек кўтарилади. Дам олиш кунлари саломатлигингизни яхшилашга вақт ажратинг.

**ТАРОЗИ (24 сентябр—23 октябр).** Ҳафтанинг бошида эътиборли инсон билан танишишга муваффақ бўласиз. Чоршанба, пайшанба кунлари кутилаётган молиявий тадбирга пухта тайёргарлик кўринг. Зеро улардан сиз илгари сезмаган талайгина «сув ости оқимлари» бўлиши мумкин.

**ЧАЁН (24 октябр—22 ноябр).** Душанба барча муносабатларда муваффақиятли кундир. Сешанба куни дўстларингиз билан бўлиб ўтадиган учрашув катта қувонч келтиради. Жума куни ижодий фаолликка эришасиз. Шанба куни янги танишларингиз томонидан алданиб қолишингиз мумкин. Эҳтиёт бўлинг.

**ЁЙ (23 ноябр—21 декабр).** Сешанба, чоршанба кунлари сизга фойдали амалий тадбир таклифини айтишади. Бироқ унга дарҳол рози бўлманг. Ушбу битимда иштирок этишингиз аввалдан белгиланган режаларингизни барбод этади. Якшанба куни кўнгилли ишқий кеча бўлиб ўтади.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабр— 20 январ).** Сизни меҳнат фаолиятингиз ҳафтанинг бошида моддий рағбат келтиради. Пайшанба, жума кунлари соғлиғингизни яхшилашга имкон беринг. Дам олиш кунлари талайгина янгиликлардан воқиф бўлиб, узоқ қариндошларингиздан хушхабар эшитасиз.

**ҚОВҒА (21 январ—19 феврал).** Ушбу ҳафта ҳамкасбларингиз ўртасида келишмовчилик келиб чиқиши билан бошланади. Яқин кишингиз сешанба куни ўзига эътибор қаратишингизни талаб қилади. Пайшанба ва шанба кунлари ижод билан боғлиқ ишларингиз юришади. Якшанба куни яхши харид кутмоқда.

**БАЛИҚ (20 феврал—20 март).** Сешанба ва пайшанба кунлари оилавий тадбирда иштирок этганда эҳтиёт бўлинг. Катта миқдорда пул топишга уринишингиз зое кетади. Ҳафтанинг охири янги машғулотга қизиқиб қолишингиз теварагингиздаги кишиларнинг ғийбати учун яхшигина мавзу бўлиши мумкин.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти 21.00
Топширилди 22.00